

28-сон  
2019/1440



# ОМИНА

ижтимоий-маърифий журнал





Ражаб ойи кирганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳумма барик лана фи ражабин ва шаъбана ва баллиғна рамазона” (“Ё Аллоҳ, ражаб ва шаъбон ойларида бизларга барака ато қилгин ва бизларни рамазон ойига етказгин”), деб дуо қилганлар (Имом Байҳақий ва Имом Тобароний Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Уламоларимиздан бири: “Ражаб шамолга, шаъбон булутга, рамазон ёмғирга ўхшайди. Кимки ражаб ойида экин экмаса, шаъбон ойида уни суғормаса, рамазон ойида қандай ҳосил олади?” деган эди.

"*Омма*"  
электрон журнали

Бадий раҳбар:  
Одинахон Муҳаммад Содиқ

---

Электрон манзил:  
[muslimaat@islom.uz](mailto:muslimaat@islom.uz)

Ҳайъат аъзолари:

Барно Саидрахмон

Мадина Джураева

Зарнигор Аҳмадалиева

Гулшода Аллоқулова

Муҳайё Муҳаммад Юсуф

Азиза Жалолиддинова

Муҳаррир:

Зухраҳон Ҳамдамова

Дизайнер:

Рухсора Азизова



## Дўстингни юзига МАҚТАМА

Иброҳим ат-Таймий отасидан ривоят қилади:

“Умарнинг ҳузурида ўтирган эдик. Бир одам иккинчи одамни юзига мақтади. Шунда Умар: “Сен бунни бўғизладинг-ку ахир! Аллоҳ сени бўғизласин”, деди”.

Шарҳ: демак, ортиқча мақташ, айниқса, юзига мақташ кўпроқ мунофиқлик сифатидан бўлади. Бу асосан бировга яхши кўришиш, унинг розилигини топиш, эътиборини қозониш, қандайдир ғаразларга эришиш учун унга ўзини кўрсатиб олиш мақсадида қилинади.


Бу каби ноўрин мақтов одамнинг ахлоқини бузади, йўлдан оздиради, кўпгина ноқулай ҳолатларга сабаб бўлади.

Шунинг учун мақтаган одам мақталаётган одамга яхшилик эмас, ёмонлик қилган бўлади. Бу жиҳатни яхши билиб олишимиз керак.

Бир кишини яхши кўрган одам унга меъёрида тавозеъ қилиб: “Мен сизни Аллоҳ учун яхши кўраман”, деб айтиб қўйса, кифоя қилади. Бу иш жоиздир. Аммо ғараз билан юзига ёки орқасидан беҳуда мақташ мутлақо мумкин эмас.

«Одоблар хазинаси»дан олинди.

# Қуръон олийдир, махлуқ эмас



«ҚУРЪОН» сўзи араб тилида бир неча маъноларни ифодалайди:

1. «Ўқиш», «ўқилмиш», «қироат қилинмиш» деган маъноларни англатувчи масдар ҳисобланади. Ислоҳ динининг бош дастури бундай номланишидан келиб чиқадики, бу дин илмга, маърифатга асосланган дин, бу Калом илмга, маърифатга асосланган Каломдир.

2. «Жамлаш» маъноси мавжуд. Бунда мазкур Калом дунё ва охират яхшиликларини ўзида жамлаганига, ўзидан аввалги нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маънолари, ҳикматлари ҳамда ҳукмларини ўзида мужассам этганига ишора бор.

3. «Ёдлаш», «хотирада сақлаш» маъноси эса уни қалбларда ёд сақлашга ишорадир.

«Улумул Қуръон» илмида бу сўзнинг истилоҳий маъноси қуйидагича таърифланади: «Қуръон – Аллоҳ таолонинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган ожиз қолдирувчи каломдир».

Ақоид илми уламолари, хусусан, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «Ал-Фиқҳул акбар» асарида Қуръонга бундай таъриф берганлар: «Қуръони Карим – Аллоҳ таолонинг каломи. У мусҳафларда

ёзилган, қалбларда ёдланган, тилларда ўқилган, Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга ваҳий орқали нозил қилинган. Қуръон билан қилган талаффузимиз, уни ёзган битигимиз, уни қилган қироатимиз махлуқ (яратилган)дир, лекин Қуръон махлуқ эмас».

Қуръонни «махлуқ» дейиш Аллоҳнинг каломини инсоннинг сўзига тенглаштиришдир. Қуръони Каримни эшитган одам уни инсонларнинг сўзи деб қасд қилса, у диндан чиқади.

Қуръонни “махлуқ” дейиш фитнаси Имом Аҳмаднинг даврларига тўғри келган. Сиёсий ва ақидавий ихтилофлар кучайган бу пайтда мўътазилий мазҳаби тарафдорлари ҳукуматга яқин бўлиб олиб, кўп бузғунчиликлар қилдилар. Уларнинг ўша даврдаги бошлиқларидан бири Ибн Абу Довуд халифа Маъмунга одамларни мажбур қилиб «Қуръон – махлуқ», деб айттиришга уринди. Унинг маслаҳати билан халифа Маъмун волийларга аҳли сунна ва жамоа уламоларини ҳақоратлаб хат ёзди. Уларни ҳукумат қароргоҳларига олиб келиб, «Қуръон – махлуқ», деган гапни айттиришни, уни бажармаганларни эса жазолашни амр қилди.

Мусулмонлар улкан фитнага учрадилар. Исломи ақидасининг бузилиши хавфи туғилди. Бағдодда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бошчилигида уламолар бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошладилар. Улар илмий мунозараларда мўътазилийларни шарманда қилишар эдилар. Бунини сезган халифа Маъмун Бағдоднинг еттита атоқли олимини ўз ҳузурига юборишни амр этди. Уларни мажбур қилиб, эътирофларини олди ва ҳаммага эълон қилди. Шу билан Имом Аҳмаднинг қанотини кесмоқчи ва шавкатини синдирмоқчи бўлди. Лекин машҳур имом бу фитнага қарши салобатли тоғдек маҳкам турдилар. У киши ўз илмлари билан фитначиларни халқ орасида ҳужжат ва далиллар билан шарманда қилиб, довдиратиб қўйдилар.

Шунда Маъмун ўзи турган Турмуш шаҳрига Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва у кишининг шериклари Мухаммад ибн Нухни юборишни буюрди. Олимларнинг қўлларини кишанлаб, беҳурмат қилиб олиб кетишди. Аммо улар йўлдалик пайтида халифа Маъмун вафот этди. Олимларни кишанланган ҳолларида

Бағдодга қайтаришди. Йўлда Ибн Нух вафот этди. Имом Аҳмад у кишини ўзлари ювиб, жаноза ўқиб, кўмдилар.

Имом Аҳмадни эса янги халифа тайин бўлгунча қамаб қўйишди. Янги халифа ҳам эскисининг йўлини тутди. Акаси Маъмуннинг васиятига амал қилган халифа Мўътасим ҳам фитна йўлини давом эттирди.

Имом Аҳмадни икки йилдан ортиқ, аниқроғи, йигирма саккиз ой қамоқда ушлаб қийнашди, аммо иродаларини бука олмадилар. Буюк имомнинг эътирофлари кўпчилиқнинг ҳузурда бўлишини хоҳлашарди. Шунинг учун одамларни тўплаб, халифа Мўътасим ўзи чиқар ва Имом Аҳмадни сўроққа тутар эди. Гап билан енга олмасликларига кўзлари етгандан сўнг калтаклашга ўтишди. Ҳар сафар гап-сўз фойда бермагандан сўнг имомни ҳушидан кетиб қолгунча дарра билан уришар, кейин эса кўтариб, қамоққа олиб кетишар, бу ҳол эртасига яна янгидан бошланар эди.

Бир куни калтак зарбидан ҳушидан кетаётган имомнинг қулоғига фитнабоши Ибн Абу Довуд: «Эй Аҳмад, қулоғимга “Қуръон – махлуқ”, деб қўйгин, сени халифанинг қўлидан қутқариб оламан», деди. Шунда Имом Аҳмад бошларини зўрға кўтариб: «Эй Ибн Довуд, қулоғимга “Қуръон – Аллоҳнинг каломини, махлуқ эмас”, деб қўйгин, сени Аллоҳнинг азобидан қутқариб оламан», дедилар.

Бу воқеа халифанинг тавба қилиши, фитнабоши Ибн Абу Довуд ва унинг шериги Башрул Мусрайсийнинг боши олиниши ҳамда Имом Аҳмаднинг эъзозланиши билан тугади. Шундай қилиб, бу буюк имом мусулмонларнинг катта бир фитнадан қутулиб қолишларига сабабчи бўлдилар. Эй Парвардигори олам, бизларни Қуръони Карим ҳурматидан марҳаматингга олгин. Каломининг баракотидан мусулмонларни фитналардан сақлагин. Қуръонни қиёматда бизларнинг фойдамизга ҳужжат қилгин.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. «Қуръон илмлари». «Ҳилол-нашр», Тошкент, 2013
2. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. «Кифоя». 1-жуз. «Шарқ», Тошкент, 2008
3. Интернет маълумотлари: islom.uz, muslim.uz, masjid.uz, vakillik.uz



# Тарика ва унинг тақсими

Маййитнинг вафот топаётган вақтида ўз мулки саналган барча нарсалар – хоҳ у кўчмас мулк бўлсин, хоҳ ҳовли-жой, нақд пуллар, тақинчоқлар, кийимлар ва турли хил катта-кичик нарсалар, ҳатто нина-ипгача – ҳаммаси шариат нуқтаи назаридан тарика деб аталади. Ўлаётган пайтидаги устида бўлган либос ҳам тарикага киради. Маййитнинг бировларга берган қарзи ҳам унинг тарикасидир.

Вафот этувчининг барча тарикасида тартиб билан тўртта ҳақ вожиб бўлади. Уни шаръий қоидаларга мувофиқ яхшилаб адо қилишлик ворисларнинг зиммасидаги муҳим вазифадир. Чўнтагида бир дона ширинлик бўлса ҳам, ҳақдорларнинг ижозатисиз уни ҳеч бир шахс оғзига солиши жоизмас, чунки у бир одамнинг ҳиссаси эмас.

Ўша тўртта ҳақ қуйидагилардир:

1. Маййитни жиҳозлаш ва кафанлаш.

2. Қарзини адо этиш.

3. Агар маййит васият қилган бўлса, уни амалга ошириш.

4. Ворислар орасида меросни тақсимлаш.

Тарикадан энг биринчи бўлиб маййитни жиҳозлаш ва кафанлаш, дафн қилиш харажатлари чиқарилади. Кейин агар бир оз ундан ошиб қолган бўлса, қарзларнинг адосига сарфланади. Ундан ошган молнинг учдан биридан маййитнинг жоиз васиятларига сарфланади. Қолган учдан икки қисми мерос сифатида барча меросхўрларга шаръий ҳиссаларига мувофиқ тақсим қилинади.

Агар маййитнинг зиммасида бировдан қарзи бўлмаса ва мулкига тегишли бирор-бир нарсани васият қилмаган бўлса, маййитни жиҳозлаш, кафанлаш, дафн қилишдан кейин ошган тарика ворисларникидир.

## ТАРИКАГА КИРМАЙДИГАН НАРСАЛАР

Бу тўрт ҳақни ўрганишдан аввал шуни тушуниб олиш керакки, маййитнинг қўлида бўлган, лекин шаръан уники бўлмаган нарсалар, гарчи у бу нарсаларни эгасидек истеъмол қилган бўлса ҳам, тарикага кирмайди. Бундай нарсаларнинг барчаси уларнинг асл эгаларига қайтариб берилади. Маййитни жиҳозлаш, кафанлаш ва бошқаларда ундан сарф қилиш жоиз эмас.

Масалан:

1. Маййит вақтинчалик ишлатиш учун олган ёки унга омонатга берилган нарсалар тарикага кирмайди. Бундай нарсаларнинг барчаси ўз эгаларига қайтарилади (Муфийдул ворисин, 27-бет).

2. Агар маййит бирон кимсанинг бир нарсасини зўрлик билан ёки ўғирлаб олган бўлса, бу ҳам тарикага кирмайди, ўз эгасига қайтарилади (Муфийдул ворисин, 28-бет).

3. Агар маййит ўлим тўшагига ётишдан аввал соғлигида ўзининг бирон нарсасини кимгадир ҳадя қилган бўлса ҳамда бу ҳадяни олувчининг қўлига топширган бўлса, мазкур нарса маййитнинг мулкидан чиққан ва олувчининг мулкига айланган бўлади. Шунинг учун бу нарса маййитнинг ўлимидан кейин унинг тарикасига кирмайди. Лекин фақат оғзаки ёки ёзма тарзда: “Мен бу нарсани сенга бераман ёки уни сенга ҳадя қилдим”, деган бўлса-да, қўлига топширмаган бўлса, унинг айтган ва ёзган гапининг ҳеч қандай эътибори бўлмайди. У ҳадя ҳам эмас, васият ҳам бўлмайди, балки маййитнинг мулкида қолади ва ўлимидан кейин унинг тарикасига киради (Беҳишти зевар, 5-қисм, 60-бет).

Агар ўлим тўшагида берган, унинг қўлига топширган ҳам бўлса, бу беришлик васият ҳукмида бўлади. Шунинг учун мазкур нарса тарикага киради. Маййитни жиҳозлаш, кафанлаш ва қарзларини адо қилгандан кейин бошқа васиятларини ҳам амалга ошириш шартлари билан ушбу васият ҳам амалга оширилади. Бу масаланинг муфассал баёни “Васият” бобида келгуси сарлавҳалар остида келади. Демак, соғлом пайтда ҳадя қилиб топшириш билан ўлим тўшагида инъом қилиб беришнинг фарқи бор (Беҳишти зевар, Муфийдул ворисин, Шомий).

## МАЙЙИТНИНГ ТАРИКАГА КИРМАЙДИГАН МУЛКЛАРИ

Шу ергача ёзилганлардан хулоса шундайки, маййитнинг ўлаётган вақтида унинг мулкида бўлган барча нарса унинг тарикаси ҳисобланади. Ўша пайт унинг мулкида бўлмаган нарса тарикага кирмайди. Лекин баъзи хос ҳолатлар бу қоидадан мустаснодир.

1. Маййит харид қилган, лекин қийматини адо қилмаган, ҳанузгача қўлига олмаган, балки сотувчининг қўлида бўлган нарса маййитнинг мулкига кирмайди.

2. Шунингдек, маййит қарз эвазига гаровга қўйган нарсаси бўлса ва бу қарзни адо қилиш учун бирор мол қолдирмаган бўлса, гаровга берган нарсаси гарчи маййитнинг мулки бўлса ҳам, тарикага кирмайди. Яъни, маййит ҳеч қандай мол қолдирмаган бўлса, сотувчига гаровга қўйган нарсаси қарзини ёпишга ишлатилади. Бу ҳақ адо бўлгандан кейин сотилган нарсанинг қийматидан агар бироз ошиб қолган бўлса, тарика ҳисобланади. Ва бундан маййитни жиҳозлаш, кафанлаш, қарз, васият ва мерос қоидаларига мувофиқ тақсимланади. Агар ҳеч нарса қолмаса, қариндош-уруғлар ўз ёнидан маййитни жиҳозлайдилар ва кафанлаб кўмадилар (Дурри Мухтор, Шомий, Муфийдул ворисин).

Биз бу ергача фақат икки мисолни келтирдик. Агар шунга ўхшаш ҳолат пайдо бўлса, яъни маййитнинг хос тайинли мулкида бошқаларнинг ҳаққи бўлса, бирор муҳаққиқ дин олимидан сўраб амал қилинади. Ҳар ким ўзи билганча иш қилмаслиги керак.

Ҳаётлик вақтида кимгадир атаб олиб қўйилган нарса тарикага киради.

Агар кимдир тириклигида ўз фарзандларининг тўйи учун нақд пул, либос, тақинчоқлар тўплаган бўлса ва буларни “Фалон ўғил-қизимга сарфлайман”, деб ният қилган бўлса ёки “Қизимнинг сепига бераман”, деган бўлса, бу нарсалар ўша болаларининг қўлига топширилмаган бўлса, бундай мол-мулкнинг барчаси тарикага киради. Бу ўғилнинг ёки қизнинг ҳаққи бўлмайди. Балки маййитни жиҳозлаш, кафанлаш, қарзни адо қилиш, васиятларга амал қилингандан кейин мерос қоидасига мувофиқ меросхўрлар орасида тақсимланади.

# АЖОЙИБ ҚИССА

Мазкур қисса орқали Қуръоннинг қайси сураларида сажда оятлари борлигини билиб оламиз.



Жазоирлик Аъроф исмли қиз Мисрда Раъд исмли йигит билан танишиб қолибди. Иккиси турмуш қуриб, Нахл дарёсидек тинч ҳаёт кечирибди. Аллоҳ уларга иккита қиз фарзанд берибди. Қизалоқларнинг исмларини Исро ва Марям деб қўйишибди.

Орадан вақт ўтибди. Аёл яна фарзандли бўлишни хоҳлабди. Аммо ҳомиладор бўлолмабди. Унга шундай маслаҳат беришибди: “Ҳажга бориб, Аллоҳдан сўраб дуо қил, иншааллох, фарзандли бўласан”.

Шундай қилиб, у ҳажга борибди, бироқ ниятига етолмабди. Иккинчи сафар ҳам бориб, зам-зам сувидан ичиб, Аллоҳга астойдил ёлворибди. Унинг илтижоларини Парвардигор қабул қилиб, ўғил фарзанд ато этибди. Чақалоққа Фурқон дея исм қўйишибди.

Бир куни отаси чақалоқнинг йиғлаётганини эшитиб, кириб қараса, боланинг юзини Намл (чумоли) чақиб олибди. Отаси дарров Аллоҳга Сажда қилибди.

Орадан вақтлар ўтиб, болалар катта бўлишгач, ота-она бир куни уларни овга олиб борибди ва у ерда Сод тутиб олишибди. Балиқнинг калласини Фуссилат (майдалаб) қилиб ажратишибди.

Яна бир куни кечқурун эса ота болаларини чақириб, уларга Нажм (юлдуз) ни кўрсатибди. Сўнг бирдан шамол бўлиб, Иншиқоқ (чақмоқ) бўлибди.

Шундай қилиб, ота болаларига Қуръонни очиб, Иқро (ўқи), деб ҳикояни яқунлабди.





# БЕҲАЁ БЎЛМАНГЛАР!

## ҲАЁ ПАРДАСИНИ ЙИРТМАНГ!

Ойнаи жаҳон ҳамда параболик антенна масаласида мусулмонлар ўртасида узоқ баҳслашувлар бўлган. Бундай ҳолат сўнгги интернет хизматлари йўлга қўйилган техника асрида, глобаллашув даврида яна такрор юзага келди. Шу жумладан, аёлларнинг интернетдан фойдаланиши масаласида ҳам тортушувлар авж олди, ҳали ҳам давом этмоқда. Тўғриси, анча аввал бу масала кўтарилганида бироз ранжиган эдим. “Нима учун аёл киши инсон сифатида бошқалар фойдаланган нарсалардан фойдаланмаслиги керак?” деган савол мени қийнаган эди. Мана энди, шу кунларда мазкур тортишувларнинг сабабини англагандек бўляпман. Баъзи аёлларимизнинг интернет тармоғидаги беҳаёликлари ўзини билган ҳар қандай кишини ҳайратга солмоқда.

Биз сайтимиз ходималари билан маслаҳатлашиб, шу йилнинг февраль ойини интернетга боғлиқ ишларнинг ислоҳоти учун хослаган эдик. Мутахассислар билан бир неча суҳбатлар уюштирдик. Абу Молик Али Муҳаммад Шавқийнинг қаламига мансуб «Фейсбук ҳукмлари ва одоблари» номли асарни таржима қилиб, ҳар ҳафта сайтимиз саҳифаларида, каналларимизда фойдаланувчилар эътиборига ҳавола қилиб боряпмиз. Мана шу ишларга қўшимча тарзда баъзи хонимларга танбеҳ бериш истаги ҳам мени анчадан буён ўйлантириб келаётган эди.

Аслида бундай икир-чикир бўлиб кўринган нарсаларни ёритишни хуш кўрмайман. Аммо динимизга, аёлларга ва уларнинг шаънига зид бўлган ҳолатларни ёритиб, уларга маълум маънода насиҳат қилишни, кези келганда танбеҳ бериб, тўғри йўлни кўрсатишни бурчим деб биламан.

Баъзида Фейсбук ижтимоий тармоғини кузатиб тураман. Гарчи ҳозирда мазкур тармоқда аввалгидек фаолият юргизмай қўйган бўлсам-да, манфаатли хабарлардан, дунё янгиликларидан воқиф бўлишда фойдаланаман. Шунингдек, у орқали инсонларнинг ҳолатини ҳам кузатиб бораман. Фейсбукда аёллар учун очилган гуруҳлар бор. Охирги пайтларда бундай гуруҳларда бемаъни постлар ниҳоятда кўпайиб кетди. Эҳтимол, у ердаги хонимлар бизни аёллардан бошқалар кузатмайди, деб бемалол бўлиб қолишгандир. Лекин пост қўйган, «ёқди» деган тугмани босган ва изоҳ қолдирган аёлларнинг дўстлари ичидаги эркаклар бу ҳолатларни бемалол кузата олишади. Баъзи хонимларга бу борада танбеҳ берган ҳам бўлдим. Улар: «Гуруҳда фақат аёллар кўришади, деб ўйлабмиз», деган узрни айтишди. Яна ҳам ачинарлиси, шундай бемаъни нарсаларни ҳавола қиладиганлар ичида профилига мўминаликка далолат қиладиган суратларни қўйганлар ҳам, исмлари мусулмонлигига далолат қиладиганлари ҳам бор. Хўп, бундай нарсаларни эркаклар кўрмайди ҳам дейлик. Лекин аёллар орасида бу каби фаҳш ва ахлоқ-одобга зид нарсаларни тарқатиш жоизми? Аллоҳ таоло Нур сурасининг 19-оятда шундай марҳамат қилади:

**«Албатта, иймон келтирганлар ичида фаҳш тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунё-ю охиратда аламли азоб борадир. Аллоҳ биладир, сиз эса билмассиз».**

Ижтимоий тармоқлар инсонларга кўп-лаб соҳаларда кенг имкониятлар беришини инкор этмаймиз. Лекин у ҳам қайсидир маънода бир жамиятни ташкил қилишини ҳаммамиз биламиз. У ердаги мазкура хонимлар воқелиқда, кундалик ҳаётларида ҳам ўзларини шундай эркин тутармикинлар? Кўча-кўйда, уйда, ишхонасида одамларнинг кўз ўнгида шундай шармсиз гапларни гапира олармикинлар? Ўзлари-

ни очиб-сочиб, атрофдагиларга намоиш қила олармикинлар?

Бу гапларимни ўқиган кишиларда «Шунчалик нималар қилишаётган экан ўша аёллар?» деган савол туғилиши табиий. Баъзи намуналарни келтиришга ижозат бергайсиз.

Туғруқ жараёнига оид гап-сўзлар, суратлар, ҳаттоки видеотасвирларни ҳам қўйишади. Тафсилотлари билан ёзишади. Камига бу мавзунини обдон чайнаб, баҳс қилишади. Аёл киши авра-астарини, яшарин ҳис-туйғуларини, сиру асрорларини очгани сайин қадрсиз бўлиб боришини бу опа-сингилларимиз билишармикин?

Бир хоним қабзиятдан азоб чекар экан, ўша жараённи батафсил ёзиб, даво истагида маслаҳат сўрабди. Аввало, ушбу муаммони бу тарзда ўртага олиб чиқиш шарт эмас. Бу дарднинг давосини ҳар жойдан топиш осон. Қолаверса, маслаҳатга эҳтиёж бўлган тақдирда ҳам бошидан кечирган бутун жараённи элга дoston қилиш керакми? Бу иш беҳаёликдан, аҳмоқона журъатдан бошқа нарса эмас.

Энг аянчли ҳолатлардан яна бири – эрхотин ўртасидаги нозик сирларни ёйиш. Ишонаверинг, жуфтлар орасида бўладиган ва бўлиб ўтган ҳолатларни батафсил ёзиб, бунинг устига суратлари билан таъкидлаш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳам ахлоқсизликнинг, андишасизликнинг далолатидир.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни Аллоҳнинг наздида мартабаси энг ёмон одам аёлига яқинлик қилиб, аёли унга яқин бўлганидан кейин сирини одамларга ёйиб юрадиган кишидир», дедилар».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Бундай ҳолатлар жамиятда фасод тарқалишига олиб келади, холос. Кимдир мазкур гапларни майда санаши мумкин. Ўзим ҳам бу каби мавзудан сўз очишни ёқтирмайман аслида. Аммо бу ҳар қандай мўмин-мусулмонни даҳшатга соладиган, қалбида ғазаб оловини ёқадиган ҳолатдир. Шундай нарсаларни очиқ-ойдин намоиш этишга журъат қилишгача етиб келдикми, ҳолимизга вой!!!



Динимизда бундай ахлоқсизликлардан қайтарилганмиз. Ўзбекчилигимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ҳаргиз бундай нарсаларни оқламайди. Аёл зоти одобдан, ахлоқдан, назокату латофатдан маҳрум бўлибдими, бунда ҳеч қандай хайр бўлмайди. Аллоҳ таоло аёлни ибодатидан тортиб, муомалотларида, ҳар бир хатти-ҳаракатида, ҳар бир ишида сатрли бўлишга, ҳаё-иболи бўлишга, иффатли бўлишга буюрган. Аёл мана шундай неъматлардан, Аллоҳ таоло унинг фитратига қўшиб берган фазилатлардан ўзини ўзи маҳрум қилибдими, у хорликдан бошқа нарсага эришмайди!

Муҳтарама опа-сингиллар! Сиздан илтимосим, юқорида айтилган номаъқулчиликларга қарши курашайлик. Бепарво бўлмайлик! Ҳаммамиз имконимиз қадар мазкур ислоҳотга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Бундай андишасизликлар ўзимизнинг фарзандларимиз, қизларимизнинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини унутмайлик.

Зеро, Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сиздан ким бир мункар ишни кўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин. Ана ўша энг заиф иймондир», деганлар (Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган).

Аллоҳ таоло аёл-қизларимизни аёликка хос фазилатлардан бебаҳра қилмасин! Омин!

**Одинахон Муҳаммад Содиқ**

# Руфайда бинти Саъд Ансорийя

розияллоҳу анҳо

Тарихда илк  
“тиббий ёрдам чодирини”  
соҳибаси

Ғабиба Руфайда розияллоҳу анҳо энг сахий аёллардан, фозила саҳобийялардан эди. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳижратдан сўнг байъат қилган, Ҳандақ ва Ҳайбар ғазотларида иштирок этган. Руфайда қория, саводли ва кўп бойлик соҳибаси бўлиб, бор моли ва бутун бойлигидан инфоқ қилар, Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳдини ҳамда пулини аямас эди.

Ибн Саъд унинг исмини “Куъайба” дея келтирган. У шундай ёзади: “Куъайба бинти Саъд Асламийя ҳижратдан сўнг байъат қилди. Унинг масжид ёнида чодирини бўлар, у ерда ярадорларни даволар эди. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу вафот топгунга қадар ўша ерда даволанганлар. Куъайба Ҳайбарга гувоҳ бўлган”.

Уни ҳамширалик, даволаш ва табиблик касби қизиқтириб қўйди. Руфайда шу соҳада муваффақиятга эришди ва донғи кетиб, одамлар уни танийдиган бўлди.



### Руфайда “яхшилик чодирини” да

Руфайданинг чодирини Ухуд кунидан пайдо бўлди. Ушанда у жароҳатланганларни қабул қилар, яраларини боғлаб, биринчи ёрдам кўрсатар, улар учун тинч шароит қилиб берар эди.

У ғазотларга ҳам чиқарди. Ўзи билан ичидаги барча керакли нарсалари ва асбоблари билан бирга чодирларини ҳам туяга ортиб олар, мусулмонлар аскаргоҳи олдида уларни ўрнатар эди. Саҳобийя розияллоҳу анхунналар унга шерик бўлардилар. Шу сабабдан Руфайда Асламийянинг чодирини жўнгина бўлишига қарамай, илк ҳарбий шифохона ҳисобланади.

Ворид бўлишича, Руфайданинг шифохонаси Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида кўриниб турадиган хос чодир бўлиб, у ерда касал ва яраланганлар муолажа қилинган. Руфайда розияллоҳу анҳо ҳамширалардан бир гуруҳ тузиб, уларни тунда ва кундузи касалларни парвариш қиладиган қисмларга бўлган.

Руфайданинг иши фақатгина ғазотлар пайтида бўлмаган, балки тинчлик пайтида ҳам давом этиб, барча муҳтожларга ёрдам кўрсатган. У ҳозирги кундаги шифохоналар ишлайдиган низомга ўхшаш низом билан иш олиб борган илк аёлдир.

Бу аёлнинг Исломдаги илк ҳамшира экани борасида ихтилоф йўқ. Жарроҳлик илмида ҳам у замондошлари орасида машҳур бўлган. Шунинг учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муоз розияллоҳу анхуни даволаш учун уни танлаганлар.

### Саъд ибн Муознинг табибаси

Имом Муслим Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади:

“Ҳандақ кунини Саъд ибн Муозга Бану Махзумнинг иттифоқчиси Абу Усома Жашмий отган ўқ тегди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни яқиндан

кўриб туриш учун Руфайдага масжидга чодирини ўрнатишни буюрдилар”.

“Ал-Исоба”да ворид бўлишича, Ибн Исҳоқ Руфайда Ансорийя ёки Асламийяни Саъд ибн Муознинг Ҳандақда яраланиш қиссасида зикр қилган. “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Уни масжиддаги Руфайданинг чодирига олиб боринглари, яқиндан кўриб турай”, дедилар (“Ҳолидан хабардор бўлиб турай”, деган маънода)”.


“Сияру аъламин-нубалоъ”да ворид бўлишича, “Саъднинг йўғон томири мусибатга учраб, оғирлашиб қолганда уни жароҳатланганларни даволайдиган Руфайда исмли аёлнинг хузурига олиб боришди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдидан ўтсалар: “Тунинг қандай ўтди? Кунинг қандай ўтди?” дер эдилар. У хабар берарди. Бир тунда қавми уни кўчирди. У оғирлашиб қолди. Уни Бану Абдул Ашҳалга, уйларига олиб боришди”.

Имом Бухорий “Ал-адабул муфрад”да шундай дейди: “Маҳмуд ибн Лабийддан ривоят қилинади: “Ҳандақ кунини Саъднинг йўғон томири мусибатга учраганда у оғирлашиб қолди. Уни Руфайда деган аёлнинг олдида олиб боришди. У ярадорларни даволар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдидан ўтсалар: “Қандай кеч киритдинг?” дердилар. Тонг отса: “Қандай тонг оттирдинг?” дердилар. У хабар берарди”.

### Икром

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Руфайдани тақдирлаб, ўлжалардан улуш берар эдилар. Абу Умарнинг Воқидийдан қилган ривоятига кўра, Руфайда розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Ҳайбарда қатнашди, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга эркакларники каби улуш ажратдилар.

*Зарнигор тайёрлади.*



## Меҳрибон аёлларимизга баъзи айтар сўзларим...

**А**лҳамдулиллаҳи Роббил ѓаламийн. Вассолату вассаламу ѓала Росулиллаҳил амийн.

“Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ҳамда ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир” (Рум сураси, 21-оят).

Ассалому алайкум, ҳурматли муслима, мастура, муниса опа-сингилларимиз, дин қардошларимиз!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Аёлга тўрт нарсаси: чиройи, обрў-эътибори, насаби ва дин-диёнати учун никоҳланади, диндорини тутгин, (барака топасан!)” деган муборак сўзлари риояси боис биз ўз ҳаётимизни сиздай солиҳа, Аллоҳнинг фарзларига итоат этган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига риоя

қилган, ҳаёси, иффати ва номусини муҳо-  
фазалаган аёл-қизлар ила боғлаганмиз,  
яъни оила қурганмиз.

Тўғри, ҳаёт, оила, рўзғор ташвишлари,  
ижтимоий ва иқтисодий турли муаммо-  
ларга дуч келганда бироз асабийлашасиз-  
лар. Заифалигингиз, таъсирчан эканин-  
гиз, ҳиссиётлироқлигингиз сабаб бироз  
тилингизга ҳам эрк бериб қўясиз. Ўзаро  
бир-биримизни тушуниш, яқдил фикрда  
жамланиш машаққатлироқ кечади гоҳида.  
Аслида ўша вазиятда, ўзимнинг ҳаётимдан  
мисол, сизлар кўпинча ҳақ бўласизлар, ле-  
кин эркак киши учун буни тан олиш ҳам  
осонмас-да. Сизлар буни англай билин-  
лар, ахир!

Бундай ҳолатда биз эркаклар оила бош-  
лиғи ва масъулият зиммасида бўлган киши  
сифатида инжиқлигингиз, эркалингиз  
ва аёллигингизга бориб, баъзида ёш бо-  
лалардек аразларингизга чидаймиз, кўна-  
миз.

Бу хусусда ҳам севиқли Жанобимиз  
соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари,  
муборак ўғитлари бўлмиш “Мўмин мўми-  
нани ёмон кўрмасин. Агар бир тарафидан  
норози бўлса, иккинчи тарафи уни рози  
қилади” ҳадисини қалбимизга жо айла-  
ганмиз.

Чунки сизни Аллоҳ учун яхши кўрамиз!  
Кўзларимиз сизга қараб қувнайди, қалби-  
миз сокинлик топади. Яна шуниси борки,  
сизлар фақат шодлик, тинчлик дамлари-  
миздагина эмас, ҳаётимиз осмонини қора  
булутлар қоплаганда, изтироблар, айри-  
лиқ ва йўқотишлар, дарду аламларга чул-  
ғанган дамларда ҳам ёнимиздасиз...

Сизларнинг тасаллингиз, юпанчингиз,  
ҳамроҳлигингиз биз эркакларни эзиб тур-  
ган оғир юклардан халос бўлишимизда,  
синову имтиҳонлардан сабот билан ўти-  
шимизда қанчалар мадад эканини, қувват  
манбаи бўлишингизни тасаввур ҳам этол-  
майсиз... Чунки буни ҳар доим ҳам сизга  
очиқ айтиб, эътироф этавермаймиз.

Исломга риоя қилишда Умар розиял-  
лоҳу анҳудан ўтиб бўларканми?! У зотнинг  
аёллари ҳақида “...У менинг таомимни пи-  
ширувчи, нонимни ёпувчи, кийимларим-  
ни ювувчи, болаларимни эмизувчидир. У  
билан қалбим ҳаромдан таскин топади”,  
деган олтин сўзларини яхши биламиз.

Биз ҳам шундай бўлишга уринамиз.  
Ахир, сиз ширин фарзандларимизнинг  
меҳрибон онажониси, эрталаб ишга куза-

тиб, кечда то биз ишдан қайтмагунча дас-  
турхонга ҳам ўтирмасдан интиқ кутадиған  
мунтазира ва мушфиқаларимиз бўлсангиз.  
Сизларни ёмон кўриб бўларканми?! Кун  
давомидаги чарчоқ, асаблар толиқиши,  
бироз дилхираликларнинг бари уйимиз  
остонасидан хатлаб кирганда битта табас-  
сумингиз ила, “Ассалому алайкум, яхши  
келдингизми?” деган сўзларингиз билан  
бир зумда тарқаб, ғуборлар йўқ бўлиб ке-  
тади-ку. Буни биласизларми?!

Шунингдек, Пайғамбаримиз соллалло-  
ҳу алайҳи васаллам бир насиҳатлари би-  
лан “Сизларнинг энг яхшиларингиз хотин-  
ларига нисбатан яхшиларингиздир”, дея  
уқтирганларки, сизларга ноҳақлик қилиш-  
дан Ўзи асрасин!

Сизлардан нима ҳам истардик, бизнинг  
маҳрамларимиз, сирдошларимиз?! Ҳаёти-  
мизнинг энг масъуд дамлари сизлар би-  
ландир. Келажакда фарзандларимиз ҳақи-  
да ният қилган тўйлар, шодиёналарда ҳам  
ёнимизда туришингиз бизга саодат, бизга  
ҳаловат!


Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу  
алайҳи васалламдан “Эй Аллоҳнинг Расу-  
ли, аёлларнинг қандоғи энг яхшисидир?”  
деб сўралди. У зот: “Қачон назар солса,  
сурур бағишлайдигани, қачон амр қилса,  
итоат қиладигани ҳамда эрига ўз жонида  
ва молида у ёқтирмайдиган нарса ила хи-  
лоф қилмайдигани”, дедилар.

Биз ҳам сиз мунисаларимизда шу хис-  
латлар жамланишини истаймиз. Кўп нарса  
керак эмас бахтиёрлигимиз учун. Сиз ку-  
либ турсангиз, фарзандларимиз иймонда  
саломат, озода, ахлоқли ва ҳаёли бўлишса,  
уларнинг ёнида сиз фариштамисол аёлла-  
римиз турсангиз, бас, шунинг ўзи кифоя.

Бизга мана шулар дунёдаги сакинат,  
саодат, ҳаловат ва фароғатдир. Аллоҳим  
сизларни доимо паноҳида асрасин, ҳаққи-  
мизга эзгу тилаклар ва хайрли дуолар қи-  
лишда асло чарчаманг. Сўзим ниҳоясида  
тилагимиз ушбудир: **“Улар: «Эй Роббимиз,  
Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва  
зурриётларимиздан кўзимиз қувонади-  
ган нарса ҳадея эт ҳамда бизларни тақво-  
дорларга йўлбошчи қил», дейдиганлар-  
дир”** (Фурқон сураси, 74-оят).

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва  
барокатуҳ.

Самимий эҳтиром билан  
**Бобур Аҳмад**, муҳаррир



Алия  
(Ольга) Павлова

**“Ислом–  
Аллоҳ томонидан  
улкан неъматдир”**

Бу галги меҳмонимиз педагогика фанлари номзоди, доцент, "Ислом: шахс ва жамият" журнали бош муҳаррири, муслмонларга психологик ёрдам кўрсатиш бирлашмаси идорасининг раиси, Москва Давлат психология-педагогика университетининг Давлат Федерал бюджети Олий умумий таълим муассасаси доценти Павлова Алия (Ольга) Сергеевнадир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари қаҳрамонимиз ва уларнинг турмуш ўртоқлари Вячеслав Али Полосин тўғрисида: “Бугунги кунда Россияда зиёлилар ичида Исломни қабул қилаётганлари кўп. Улар оғизларидагина “Ла илаҳа иллаллоҳ”ни айтиб қўйиб юраверадиган ёки “Мен муслмон бўлдим”, деб ўзини кўрсатадиган муслмонлардан эмас. Балки, аксинча, Исломни бутун вужуди билан қабул қилган, унинг икки дунё саодатини таъминлайдиган тизим эканини тушуниб етган инсонлардир”, деган эдилар.



### “Ёшлиқдан орзуим”

“Мени таниганлар яхши билишади, Ўзбекистонга келиш мен учун ёшлигимдан бери орзу эди. Мен бу ерга бутун қалбим билан интилганман. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ таоло менинг дуоларимни ижобат қилиб, сизлар орқали менга бу неъматни берди. Ҳозир қалбим қаттиқ ҳаяжонда!

Биз бу динга етилган, ўзимизни англайдиган ёшда келганмиз. Шу билан бирга биз тарихан Исломда бўлмаган халқларданмиз. Биз бундай сафарларда динимизни қайта англаймиз ва бу жуда муҳим. Шу билан иймонимиз янгиланади, руҳимиз озуқа олади. Бу каби учрашувлар бизни яна динимиз тўғрисида мушоҳада қилишга, ер юзидаги вазифамизни мулоҳаза этишга ва муслима бўлиш қай даража масъулиятли эканини ҳис қилишга ундайди”.

### “Дунёдаги барча аёллар ўзаро ўхшаш”

“Бизни кўп нарса бирлаштириб туради. Менимча, дунёдаги барча аёлларнинг муаммолари бир-бирига ўхшаб кетади: яқинларимизнинг саломат бўлишлари, оиламизда уйғунликни сақлаб қолиш, фарзандларимиз бахтли бўлишлари, турмуш ўртоғимиз учун севимли рафиқа бўлиш каби. Бугун бизда айнан шулар ҳақида суҳбатлашиш имкони бўлди. Ўзаро мулоқот давомида бизни бир-биримиздан ажратиб турадиган фарқларни, бизни биз қиладиган хислатларимизни англадик. Биз турли халқлар вакилларимиз ҳамда бу турлилик ва ўзига хослик жуда муҳимдир. Бугунгидек мулоқотлар бир-биримизнинг ўзига хос хислатларимизни – турли халқ, турли маданият, турли мамлакатдаги муслималар қандай яшашлари билан яқиндан танишишга ёрдам беради”.

### “Улкан бахт”

“Мен 6 йилдан бери Исломдаман. Бунга узоқ муддат давомида келганман. Аслида менинг бошланғич мутахассислигим педагог-дефектолог. Москва педагогика

университетининг дефектология факультетини тамомлаганман, дефектология соҳасида диссертация ёқлаганман. 10 йилдан ортиқ логопед бўлиб ишлаганман. Кейинчалик этнопсихология билан шуғуллана бошладим. Этнопсихология – турли халқларнинг хусусиятларини ўрганадиган фан. Менинг аجدодларим кавказлик бўлган. Боболаримдан бири удин халқига мансуб эди. Бу Озарбайжон шимолида яшайдиган халқ бўлиб, бугунги кунда бутун дунёда унинг бор-йўғи 8000 тача вакили сақланиб қолган. Ўз уруғларимга бўлган қизиқишим Кавказ халқига нисбатан ҳам қизиқиш уйғотди. Натижада тез-тез Шимолий Кавказга борадиган бўлдим. У ерда Кавказ халқини ўрганиб, турли тадқиқотлар ўтказар, мақолалар ёзардим. Бу мени шу қадар ўзига жалб қила бошладикки, ҳаётимнинг алоҳида бир қисмига айланди. Ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди, десам, тўғрироқ бўлса керак. Мен у ерда бутунлай бошқа маданиятни, бутунлай бошқа одамларни – мусулмонларни кўрдим. Улар иймонлари бутун, динига риоя қиладиган кишилар эди. Улар учун дин шунчаки маросимлардан иборат мазмунга эга шаклда эмасди. Мен у ерда иймонли кишининг ҳаёти қандай бўлиши, бу инсоннинг ҳаётини қанчалар ўзгаришини доимий равишда кўрардим. Албатта, у ерда кўплаб масжидларда, зиёратларда бўлдим. Бир сафар Чеченистонга чечен шайхлари қабрларини зиёрат қилиш учун борганимда мен Исломни қабул қилишга маънан тайёр эканимни англадим... Бу гўё Яратган тарафидан бир нурдек эди... Буни сўзлаб бериш ҳозир ҳам мен учун жуда ҳаяжонли. Мен Исломни қабул қилдим... Исломни қабул қилиш улкан бахт, Аллоҳ томонидан улкан неъмат, улкан руҳий ўзгаришдир”.

### “Турмуш ўртоғим билан мақсадларимиз уйғун”

“Аввалига мусулмон дугоналарим асосан шимолий Кавказдан бўлган бўлса, кейинчалик рус мусулмонлар билан ҳам таниша бошладим. Турмуш ўртоғим Али

18 Вячеслав Полосин ҳам рус мусулмонлардан. Тарихан Ислонда бўлмаган халқ бўлсак-да, ҳозир мусулмон ўлароқ, ўз халқимизга мансуб кишилар билан оила қуряпмиз. Этно-психолог сифатида бунинг қанчалар муҳим эканини қайд қилмоқчиман. Зеро, оилавий ҳаётда диний эътиқод билан бирга миллий дунёқараш ва миллий хусусиятлар жуда муҳим эканини тушунсангиз керак. Бу кўп жиҳатдан бизнинг мақсадларимиз, қизиқишларимиз, ҳаёт тарзимиз, ҳатто кундалик одатларимизни икир-чикирларигача аниқлаб беради. Буларнинг кўпи халқимизнинг ҳаёт тарзидан келиб чиқади. Турмуш қурган жуфтларда бу нарсаларнинг ўзаро мос келиши оилавий ҳаётда бир-бирларини осон тушунишларида муҳим роль ўйнайди”.

#### “Мен учун Ислон – бу...”

“Ислон мен учун ҳамма нарса: у менинг руҳиятим, кундалик ҳаёт тарзим ва фикрлаш услубимдир. Кўп меҳнат қиладиган киши сифатида Ислоннинг менга ўз устимда ишлаш ва янги билимларни эгаллаш борасида берган имкони мен учун жуда муҳим. Айни пайтда мен Қозондаги Россия Ислон институти талабасиман. Олдимизда мутлақо кутилмаган жойдан янги билимлар – Ислон психологияси соҳасига йўл пайдо бўлди. Аллоҳ таоло бизга бу фан ва амалиёт учун эшик очди. Биз буни айни пайтда фаол ривожлантирмоқдамиз. Бу тараққиётимиз учун ҳам янги соҳа бўлиб, бизнинг касбий билимларимизни исломий илмлар билан уйғунлаштириш имконини беради. Мусулмон кишининг тўлақонли шахсиятини англаш учун жуда кўп нарсаларни билиш керак – ҳам исломий нуқтаи назардан, ҳам психология нуқтаи назаридан. Бу бизни доимий равишда такомиллашиб боришга ундайди”.

#### Рус тилидаги “Тафсири ҳилол” ҳақида

“Рус тилида бу каби юксак даражадаги, диққат билан ўрганиб, тайёрланган нашр бутун русийзабон мусулмонлар учун катта


роль ўйнайди. Чунки динни айнан тўғри ва мўътадил англаш, Ислон таълимоти асосларини тўғри тафсир қилиб, мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганларга етказиб бера олиш айни пайтда бутун жамият миқёсида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бизнинг саодатимиз динимизни қай даражада тўғри тушуна олишимиз ва буни биз яшаётган мусулмонлар ҳамда мусулмон бўлмаганлардан иборат жамиятга қай тарзда кўрсата олишимиз билан чамбарчас боғлиқ”.



#### “Устозимнинг устози...”

“...Ҳаётимда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг китоблари менга катта ёрдам беришини таъкидлаб ўтишим лозим. Ризқулбек Каримбеков ўғли – устозим, мен ундан таълим оламан, сўнг дарс топшираман. У ўқувчиларни оятдан нима фойда олганини сўзлаб беришга тарғиб қилиш усулини устози Шайх ҳазратларидан ўрганган экан. Биз ҳам ҳозир айни шу усул билан Ислонни ўрганамиз. Аллоҳ таоло бизни мана шу тарзда Ислонда бирлаштирганини ўйласам, бу мени жуда тўлқинлантиради. Ушбу ҳиссиётларни тасвирлаб беришга сўзларим етмайди. Бутун тадбир давомида Шайх ҳазратлари, у кишининг хотираси ва меҳнатларига нисбатан улкан муҳаббат ҳисси сезилиб турди. Биз барчамиз Шайх ҳазратларининг меросларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлганимиздан бахтиёрмиз”.

*Зарнигор тайёрлади.*



## Тилингизга ҳушёр бўлинг, бахт излаётганлар!

**Д**унёда инсоният борки, ҳар бири бахтли бўлиш орзусида. Аммо “бахт” деган тушунчани ким қандай англайди?

Мисол учун аёллар учун бахт – бу, умуман айтганда, фаравон ҳаёт, ширинсўз турмуш ўртоқнинг ҳар доим тоғдек суянчиқ бўлиши, ақлли, одобли қиз-ўғилларнинг борлиги, эр-хотиннинг ҳаётидаги мақсади бир бўлиши ва ҳоказо.

Эркак киши учун бахт – аҳли аёли эрининг топганига, яъни бориға шукр қилиши, турмуш ўртоғининг сирларини сақлаши, қариндошларига меҳр кўрсатиши, вафодор ёр бўлиши ва бошқалар ҳисобланади.

Яна бир гап: эркак кишига вақтинчалик бахт туйғусини берувчи нарса – у остона хатлаб уйига кирганида табассум ила кутиб оладиган меҳрибон аёлининг тезда иссиқ овқатни дастурхонга тортиқ қилиши ва ҳар хил саволларсиз, тинч-хотиржам ўтириб таомланиши ҳамдир.

Айнан тўйимли овқат! Эркак кишига аёлининг “Овқатим мазалими, кўриниши чиройлими?! Атайлаб сиз учун безадим!” каби гаплари беҳуда бўлиб туюлади, уни овқатнинг тўйимлилиги қизиқтиради, холос.

Аслида, бу мақоланинг ёзилишига туртки бўлган бош қаҳрамон билан бўлган суҳбатда яна шунга кучлироқ амин бўлдимки, аёл кишининг кайфияти

бузилишига ёки хуш бўлишига асосий сабабчи эркак кишидир. Авваллари бу аёлнинг юзига термулар эканман, унда бахт ҳисси мавжудлиги завқимни келтирар эди. Охирги кунларда кузатишимча, кўзларида маъюслик бор, бироз гаплашилса, дарров кўзига жиққа ёш келади, “тарвузи қўлтиғидан тушган”дек, қўли бирон ишга бормайди, болаларидан ҳам хафалиги билиниб турибди, умуман келажакдан бирон яхшиликни кутиши ҳам йўқолиб қолгандек.

“Бунинг боиси нимада экан?” десам, эрининг ножоиз гап-сўзлари сабаб бўлибди. Қўпол, ўта хунук гап-сўзлар... Эҳтимол, ким учундир бу ҳолат муаммо бўлиб кўринмас. Аммо шариатда, динимизда аёл заифа, нозик хилқат, дейилмаганми? Кўпинча уламоларимиздан аёл киши ҳақида “Новдани қийшайтирсанг, синдириб қўясан”, дея ўхшатишларни эшитиб қоламиз.

Дарҳақиқат, эркак киши аҳли аёлини тарбиялаш мақсадида ёмон гап билан ҳақоратласа, унга қўл кўтарса, аёл киши қандай қилиб турмуш ўртоғига меҳр беради, қандай қилиб унинг хизматларини маромига етказиб адо этади?!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг “Бахтиёр оила” деб номланган китобларининг иккинчи бетида Қуръони Каримдан қуйидаги оят келтирилган:

**“Ва Унинг оят-белгиларидан сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда меҳру муҳаббат ва марҳаматни солиб қўйганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир”** (Рум сураси, 21-оят).

Ҳамда қуйидаги ҳадиси шариф ҳам келтирилган:

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир ва мен аҳлига яхшиингизман”, дедилар” (Термизий ривоят қилган).

Аммо шундай воқеаларни эшитганманки, разиллик бундан ортиқ бўлмаса керак: бир эр ўз аҳли аёлини кечаси билан бурчакка тик қўйиб, ётиб ухлашига рухсат бермаган, ўз жуфти ҳалолига, келажак авлодининг онасига зулм қилиб, эзгач, кечки хизматларига чақириб, “ўлганнинг устига тепган”дек хўрлаган... Бу қандай тубан-

лик?! Қулларга ҳам шундай муомала қилинмаган ўтмишда.

Минг афсуски, бундай воқеалар кўп учрайди ҳаётда. Бу каби турмушнинг гувоҳи бўлиб ўсаётган ёш авлод келажакда ким бўлади?

Психолог олимларнинг таъкидлашича, зулм қилувчи инсонлар, безорилар, ичкилик ва наркотикка берилиб кетган бангилар, бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиганлар ҳамда зулмларга чидаб, ўзини қурбон қилиб берувчилар, ҳар хил оқимларга кириб қолувчилар, қолаверса, ўз Ватани, ўз оиласига посбонлик қила олмайдиган, масъулиятни ҳис этмайдиган ва ҳеч қандай принциплари бўлмаган инсонлар асосан оилавий можароларнинг гувоҳи бўлиб катта бўлганлардан келиб чиқар экан.

Шундай экан, келажак авлод ҳақида ўйлаб, биз ота-оналар ўзаро муносабатларимизни яхши йўлга қўйишимиз керак. Ҳар биримиз турмуш ўртоғимиз олдида, фарзандларимиз олдида ўз бурчимизни адо этишга шошилиш вақти келмадимкин? Болаларимизни олиму уламо қилиб ўстириш йўлини излаш пайти етмадимкин?

Бунинг учун ҳалолнинг туриб, бегонага кўз олайтирма, касал аёлни нарига суриб, соғломини қидирма! Унинг ўрнига шу бемор аёл даволатилса, хунук аёлни эса косметолог-мутахассисларга олиб бориб, ўзига қарашга, зийнатланишга ўргатилса, феъл-атвори ёмон аёлнинг психологлар тренингларида иштирок этиши таъминланса, бундай аёллар ўзгариб, ўзларини ислоҳ қилиб, турмуш ўртоқлар ҳаққига дуолар қилишса, нур устига аъло нур эмасми?!

Улуғ мутафаккирлар ўз турмушидан нолиган эркакларга аҳли аёлларига яхши муносабат қилинсагина, шу аёл уни дуо қилса, уйида, молида барака пайдо бўлиб, фарзандларининг ҳам тарбияси яхшиланишига сабаб бўлишини айтганлар.

Демак, ҳар бир бахт излаётган инсон ўз турмуш ўртоғига яхшилик қилиши орқали, унга бахт улашиш билангина ўзи ҳам бахтга эришади. Бор-йўғи бир ширин сўз, меҳр ила қараш, чин кўнгилдан у учун қайғуриш қанчалар бахт беради. Аёл кишига шунинг ўзи кифоя...

# Болаларга пул ҳақида таълим бериш

Болажонларимиз илк бор катталардан совға сифатида пул, масалан, ҳайитлик олганда илк бор пул муносабатларига дуч келишади. Пуллари қай йўсинда сарфлашлари улар яшаётган жамият ва оиланинг маданияти ҳамда қадриятларига боғлиқ. Ота-оналар ўзларининг даромадлари, пул борасидаги қарашлари, молиявий саводхонлиги каби омиллар асосида болаларни пул масалаларига жалб қиладилар (ёки қилмайдилар).

Динимиз пул муносабатларига масъулият билан ёндашишга ва ҳалолликка буюрар экан, фарзандларимизга бу борада исломий таълимотларга асосланган ҳолда таълим беришимиз муҳим аҳамиятга эга.

## Нимани ўргатамиз?

Фарзандларимизга пулнинг ҳалол-ҳаром манбалари, уни оқилона сарфлаш, ризқ ва барака тушунчалари тўғрисида таълим беришимиз лозим. Шу билан бирга болалар инсонларнинг бойлик билан боғлиқ характер хусусиятлари – сахийлик ва бахиллик, бунинг инсоннинг ўзига ҳамда жамиятга бўлган таъсири ҳақида ҳам ўрганишлари мумкин. Ота-оналар уйда шунга мувофиқ муҳит яратиб, болаларга кичик ёшдан сахийликни, бошқалар билан бўлишишни ва Аллоҳнинг йўлида сарф қилиш эвазига Аллоҳ таоло улкан ажру мукофотлар беришини ўргатиб борадилар. Роббимиз Қуръони Каримда: «Аллоҳ Ўз фазлидан

берган нарсага бахиллик қилганлар бунинг ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳгадир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир», деб марҳамат қилади (*Бақара сураси, 180-оят*).

## Қандай ўргатамиз?

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир боланинг табиати индивидуал бўлиб, шунга мувофиқ ёндашувни талаб қилади. Болаларга пул муносабатлари борасида нимани қачон ўргатишни ота-оналар унинг табиатидан келиб чиқиб ҳал қиладилар. Бунда қуйидагиларни инобатга олиш муҳимдир:

- Ҳар соҳада бўлгани каби бу борада ҳам салафи солиҳлар катта ибрат мактабидир. Болага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобалар ва уларга эргашганлар мол-дунёга қандай муносабатда бўлишганини ҳадислару ривоятлар билан уқтириб бериш лозим.

- Бола ривожланишининг ҳар бир босқичида пул билан муносабат борасида маълум малакани эгаллаб боради. Масалан, ўртача ҳолатда 6-7 ёшдан бошлаб кичик нарсаларни харид қила олади, бу пайтда унда олди-сотди ишларида ўзига хос тушунча шаклланган бўлади.



- Боланинг пул билан боғлиқ илк тажрибалари унинг бутун ҳаёти давомидаги қарашларига асос бўлади. Унинг шахсий ҳудуди – ўз пули борлиги ва унинг дахлсизлиги бошқаларнинг шахсий мулкига нисбатан ҳам масъулиятли бўлишга, «бировнинг ҳаққи» деган тушунчани яхши ўзлаштиришига сабаб бўлади.

- Бу борада тўғри ёндаша билиш унинг шахсий ривожланишига ҳам ёрдам бериб, ўзига ишончини орттиради, ўзига нисбатан жавобгарликни ҳис қилишга, мустақил бўлишга рағбатлантиради.

### «Чўнтак пули» ҳақида

Болага кундалик харажатлар учун пул беришнинг зарари йўқ. Уқувчи кундалик оладиган чўнтак пули орқали шахсий харажатларини бошқаришни ўрганади, бу унга тенгдошлари ва дўстлари орасида тортинмай, ўзини эркин ҳис қилишга ёрдам беради. Шундай экан, мактаб ёшидаги болага уйда ҳамма нарса мўл-кўл экани, нимани хоҳласа, ўзи олиб беришини айтиб, чўнтак пулидан маҳрум қилишга асос йўқ. Шу билан бирга кундалик берадиган пулнинг миқдори ҳам аҳамиятли. Бу боланинг ёши ва эҳтиёжларига муносиб бўлиши, мактабдаги тенгдошлари оладиган пулнинг ўртача миқдоридан оз ҳам, кўп ҳам бўлмаслиги муҳим. Токи бола ўзини бошқалар олдида юқори ҳам, ҳақир ҳам ҳис қилмасин. Шунингдек, бериллади-

ган кундалик маблағни яхши иши учун рағбат сифатида кўпайтириш ёки бирор ёмон ишига жазо сифатида озайтириш ҳам мумкин.

Оиласида пулни фақат фойдали нарсага сарфлашни таълим олган, катталарнинг харажатларни оқилона тасарруф қилишидан ибрат туйган бола ҳеч қачон мулкини зое кетказмайди, ўзига зарар етказадиган нарсага сарф қилмайди. Шундай экан, фарзандингизга маълум миқдорда мустақил бўлишига қўйиб беринг. Унинг ҳар бир тийинни нима учун сарфлаганини суриштирманг. Унга ишонишни ўрганинг! Истаса, пулини тежаб, бир қисмини жамғариб борсин. Кейин унга ўзи истаган нарса учун имкон беринг – яхши кўрган ўйинчоғини, китоб ёки дўсти учун совға сотиб олсин.

Фарзандларимиз бизга Аллоҳнинг омонатларидир. Инсоният моддий фаровонликни бирламчи мақсадга айлантирган бугунги замонимизда биз болаларда пул муносабатлари борасида соғлом фикрлашни ривожлантиришга масъулмиз. Шундай экан, ёш авлодга пулни мақсад эмас, балки асосий мақсад йўлида фақатгина бир восита сифатида таништира олишимиз лозим.

**Зарнигор Аҳмадалиева**

# Муслима – у қандай аёл?



Муслима аёл ҳақида гап кетганда ювош, индамас, сокин, сабрли аёл образи шаклланиб қолган. Бунга худди ягона қабул қилинган меъёр каби қаралади. Аслида эса ҳар бир аёлнинг феъл-атвори, табиати, иқтидори турлича бўлади. Сизнингча, муслима аёл образи қандай? Келинлар, шу ҳақда суҳбатлашсак...

**Фотимахон (уй бекаси):**

– Мен муслима аёл деганда самимий, меҳрибон, ростгўй, омонатдор аёлни тушунаман.

**Бахтихон (шифокор):**

– Муслима аёл – керак пайтда шижоатли, жасур, керак пайтда итоатли, хокисор аёлдир. Шунингдек, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, бошқаларникига ҳам риоя қиладиган, ростгўй, омонатдор, давр билан ҳамнафас яшовчи бўлади.

**Оиша (менежер):**

– Ҳа, ростдан ҳам турфа одам – турфа олам! Ҳар бир инсоннинг яхши-ю ёмон феъли билан ўз ўрни бор ҳаётда. Муслима аёл деганда ҳаёлимга саҳобийя оналаримиз келишади. Улар ҳам турли табиатли бўлганлари маълум. Бугунги кундаги идеал муслима аёл деганда кенг кўнгилли, кенг қарашли, виқорли, самимий, вазиятни тўғри баҳолай оладиган аёлни тасаввур қиламан.

**Бибиражаб (уй бекаси):**

– Муслима аёл деганда, ростли, ҳусни хулқли аёл кўринади кўзимга. Ҳар қандай ҳолатда тоатли, итоатли, шижоатли, фаросатли, садоқатли аёлни тушунаман.

**Дилдора Иброҳим қизи (уй бекаси):**

– Муслима аёл ҳар соҳада – уй-рўзғор ишларида, тил билишда, техникада илғор бўлиши керак, қолаверса, замондан орқада қолмаслиги лозим (албатта, шариат чегараларидан чиқмаган ҳолатда).

**Гулнозахон (ўқитувчи):**

– Муслима аёл деганда кўз олдимга, аввало, саҳобийя оналаримиз келса, замонга қиёсласам, сабрли, ҳаёли, илмли аёл келади. Муслима аёл – либосини Аллоҳ буюр-

ганидек кийган, ифатини Аллоҳ розилиги учун сақлаган аёл. Фарзандларининг тарбияси, илм олиши йўлида қанча машаққат бўлса, чидаган аёл, қўли ҳамиша дуога очиқ, тили Аллоҳнинг зикрида бардавом аёл. Бир сўз билан айтганда, Аллоҳдан қўрққан аёлдир!

**Муслима (уй бекаси):**

– Юқоридаги васф этилган сифатларга қўшимча қилиб айтиш зарурки, муслима аёл ҳар соҳада ўз нафсини жиловлай оладиган бўлиши керак: еб-ичишда, кийинишда, пардоз-андозда ва шунга ўхшаш кўнгилхушликларда. Ҳамма нарсада чекланган меъёрдан ошмаслик зарур.

**Обидахон (Ахборот ресурслари маркази мутахассиси):**

– Солиҳа аёл ҳар ишида Аллоҳнинг розилигини истовчи, тили билан бировга озор бермайдиган, кибру ҳаво, манманликдан қалби тоза бўлади. Шунингдек, гина-аразлашни билмайдиган, атрофидагиларнинг қадрига етадиган, уларга муомалада меъёрни сақлайдиган, юзи табассумли, бошига тушадиган ҳар ишни Аллоҳдан деб биладиган, жасур, иродали, сабрли, ўзини бировга эздирмайдиган аёлдир.

**Мадина (талаба):**

– Мен муслима аёлни ҳамиша қуйидагича тасаввур қиламан: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига доим амал қилувчи, меҳрибон ва итоаткор, сабрли ва садоқатли.

**Нодира Али (уй бекаси):**

– Муслима аёл – ота учун ҳаёли, иболи қиз, она учун ҳақиқий кўмакчи, дардкаш, ака-ука учун ифғатли, хушчақчақ сингил, опа-сингил учун қиёматли дугона, эр учун



итоаткор аёл, фарзанд учун меҳрибон она, Аллоҳ учун жаннатни ният қилиб, шунга яраша ибодат, итоат қиладиган, илм излаб ўқийдиган, Яратгандан қўрқадиган банда ва ҳоказо. Муслима аёлнинг яхши амалларининг чеки йўқ.

#### **Фарангиз (Тиббиёт олийгоҳи талабаси):**

– Муслима аёл деганда динини маҳкам тутган, ҳар бир қилаётган иши фақатгина Аллоҳнинг розилиги учун бўладиган, умматнинг эртасини ўйлайдиган, фарзандларини гўзал тарбия қиладиган, кўча-кўйдан ғофила (яъни, сабабсиз кўчага чиқмайдиган) бўлган солиҳани тушунаман.

#### **Ирода Эргашева (уй бекаси):**

– Муслималарнинг меҳрибон ва севимли рафиқа, зукко ва талабчан она, умуман олганда, серқирра бўлишлари оила фаровонлиги ҳамда фарзандлар келажи учун жуда фойдалидир. Ҳар бир муслиманинг ўз феъл-атвори, шу билан бирга ижобий-салбий хислатлари бўлиши табиий. Муслима, аввало, тарбияни ўзидан бошласа, камчиликларини тан олиб, тузата олса, фарзандлари ҳам ҳавас қилгудек бўлади. Шунинг учун ҳам энг биринчи галда муслима аёлга ҳусни хулқ муҳим деб ўйлайман. Масъулиятли бўлиши, яъни зиммасидаги рафиқалик, оналик фарзу вожибларини маҳкам тутиши Аллоҳнинг розилигига эришишнинг асосий омили эканини ёдда тутмоғи зарур! Тартибга амал қилиши, зиё тарқатувчи илм соҳибаси бўла олиши лозим.

#### **Мухсина Усмонова (талаба):**

– Барча опаларимиз фикрларига қўшилган ҳолда айтмоқчиманки, муслима аёл деганда кўз олдимда рўмолини чиройли (тўғри) ўраган, юзидан нур, лабларидан табассум аримайдиган, ақл-фаросатли, закий, барча яхши фазилатларни ўзида жо айлашга ҳамиша интиланган, ўзини ислоҳ қилишда чарчамаган, тилига ва ўй-хаёлларига эҳтиёт бўлган, олдида бирор ножўя иш (арзимаган хато) қилиб қўйсангиз-у хижолат бўлиб турсангиз, худди ҳеч нарса бўлмагандай кўнглингизни кўтарадиган, тиловатидан қалбингиз роҳатланадиган, суҳбатидан фойдали илм олиб, Аллоҳга муҳаббатингизни ошира оладиган, барча ишини Аллоҳ розилиги

учун қиладиган аёл гавдаланади...

#### **Соҳиба (пазанда):**

– Муслима аёл деганда пахтадай юмшоқ табиатли, итоаткор, ҳар тарафлама ривожланган, ота-онасига солиҳа фарзанд, турмуш ўртоғи учун севимли рафиқа, фарзандларига меҳрибон она, ватани равнақи учун холис хизмат қила оладиган инсон кўз олдимга келади.

#### **Муслимахон (ўқитувчи):**

– Юқоридаги фикрларни ўқиб, муслималар ҳамма ҳавас қилгудек чиройли фазилатларга эга бўлиши кераклигини билдим. Мен муслима аёл деганда Аҳмад Лутфий Қозончининг "Қайнона" асаридаги аёл кўз олдимга келади: синовларга сабрли, турмуш ўртоғига итоатли, тили доим зикрда, фарзандларининг хушхулқлиги сабабчиси ва, албатта, кечиримли...

#### **Ирода Исмоилова (инглиз тили ўқитувчиси):**

– Муслима аёл, аввало, замон билан ҳамнафас, ҳар бир фандан, соҳадан керакли жойини олиб, керак бўлмаган томонларини ажратиб оладиган даражада теран фикрлай оладиган, онги "Мунтазам фаол бўлишим керак!" буйруғи асосида ишлаб турувчи, исталган юртнинг илмли кишиси билан рақобатлаша оладиган, хизматкорлик руҳида эмас, буюк кадр тарбиячиси ҳамда завжасининг фахрланишига сазовор мукамал дин вакиласи, ақли расо аёл сифатида иш кўрувчи мўминалар бўлиши керак, деб ўйлайман.

#### **Гулшан (менежер):**

– "Ўта мулойимлик – заифликдир"; "Мукулмон (муслима) бировнинг ҳаққини емайди, кези келганда ўзининг ҳаққини ҳам бировга едирмайди". Муслима эркисиз, фақат ва фақат сабр-бардош кўрсатадиган аёл дегани эмас! Ғарблик ғайридинлар назарида доим эридан калтак ейдиган, рўдапо кийиниб юрадиган, ҳаётдан завқланмайдиган, айтиш жоиз бўлса, яшашни билмайдиган бечора ҳам эмас! (Эҳ, нафақат ғайридинларда, ўзимиздаги "замонавий муслималар"да ҳам мастураларга нисбатан шунақа тушунча бор.) Муслима айб ва нуқсонлардан пок бўлишга интилади, ҳа, интилади! (Айбу нуқсонлардан пок ягона Зот Аллоҳдир!) Лекин у сиз нима десан-

гиз, индамай тураверадиган ҳиссиз, ғазабсиз эмас! Ҳаддингиздан ошганингизда ўзингиз тушунадиган қилиб жавоб қайтара олади у! Аллоҳ "Енглар, ичинглар, яшанглар", деб яратиб берган дунёсида мазза қилиб яшашни билади, дунёни кулгуларга тўлдириб завқ олишни, бу замоннинг ҳар янгилигидан "таътиб кўриш"ни билади у! (Фақат унинг завқи сизникидан фарқли равишда ҳалол йўл билан бўлади.) Бу дунёда яшаб қолиш керак, деяпсизми?! Муслима бу дунёда ҳам яшаб қолади, иншааллоҳ, у дунёда (жаннатда) ҳам яшашда давом этади!

**Дилфуза Саидрахмон (тикувчи-технолог):**

– Куни кеча бир ажойиб жумлани ўқиб қолдим: "Кўпқаватли уйларда яшайдиган ҳурматли аёллар, илтимос, болангизни деразадан бошингизни чиқариб, бор овозда бақириб чақирманг!" Бунда нозик бир жиҳат бор, аёлларнинг баланд овози четдан жуда хунук эшитилади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Фотима онамиздан сўрадилар: "Эй Фотима, сен учун нима яхши?" Фотима онамиз жавоб бердилар: "Менга ҳеч бир бегона эркакнинг кўзи тушмаса-ю, мен ҳам номаҳрамни кўрмасам..." Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: "Сен менинг қизимсан-да, шунинг учун шундай деяпсан!"

Биз ҳам сизнинг қизларингизмиз, ё Расулulloҳ! Фотима онамиздек бўлмайётган бўлсак, бизларни кечиринг! Имконимиз борича муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

forum.muslimaat.uz





### Аёллар уйда жамоат бўлиб таровеҳ ўқиши

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Рамазон ойи муборак бўлсин! Аёллар уйда жамоат бўлиб таровеҳ намози ўқишса бўладими? Агар мумкин бўлса, қонун-қоидаларини тушунтириб беринг. Хатм қилса ҳам бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат! Аллоҳ сиздан рози бўлсин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:  
– Ва алайкум ассалом! Бизнинг мазҳабда буни қилмаган маъқул.

### Аёллар закот берадими?

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Қилаётган ишларингизга Аллоҳдан барака тилаб қоламан. Саволим шуки, уч қизимиз бор. Қизларимизга атаб аёлим тилла тақинчоқлар олиб қўйган, шу тақинчоқлардан закот берадими? Агар беришимиз керак бўлса, қандай ҳисоблаймиз? Олдиндан жавобингиз учун раҳмат!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:  
– Ва алайкум ассалом! Умумий бўлса, 85 грамм нисоб бўлади ва пулга чақиб, ўшандан закот чиқарасизлар.

### Ражаб ва Шаъбон ойининг рўзаси

Ассалому алайкум! Менинг саволим шуки, Ражаб ойининг 27-кунда, Шаъбон ойининг 15-кунда рўза тутса бўладими? Айтишларича, шу куни Аллоҳ осмондан ерга тушиб: «Ким Мен учун рўза ният қиляпти, ким Мен учун салават айтяпти, кимга ризқ керак?» деб излар экан. Шу ростми?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом! «Ким Мен учун рўза ният қияпти, ким Мен учун савлот айтяпти, кимга ризқ керак?» деб излар экан, дея эътиқод қилиш мутлақо нотўғри.

Шаъбон ойининг 15-куни рўза тутилиши ҳақида сиз айтган маънода ҳадиси шариф бор.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Шаъбоннинг ўртасидаги кеча келса, унинг тунини бедор ўтказинглар, кунининг рўзасини тутинглар. Чунки ўшанда Аллоҳ қуёш ботиши пайтида дунё осмонига тушади ва тонг отгунча:

«Қани, истиғфор айтувчи борми? Уни мағфират қиламан. Қани, ризқ сўровчи борми? Унга ризқ бераман. Қани, мубтало борми? Унга офият бераман. Фалончи қани? Пистончи қани?» дейди» (Ибн Можа ривоят қилган).

Валлоҳу аълам.

### Рўзадор

Ассалому алайкум! Устоз, рўзадор аёл уйида лаб бўёғи суриб юрса бўладими ёки бу беихтиёр рўзани очиб юбориши мумкинми? Атир сепса бўладими? Унинг ёқимли ҳиди рўзани очмайдами? Устоз, илтимос, рўзадорларга оид қонунқоидалар бўлса, линкини юбора оласизми? Рамазон рўзаси ҳақида маълумотим етарли эмас. Катта раҳмат!

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом. Лаб бўёғи ҳалқумдан ўтмаса, рўза очилмайди. Аммо оғизга кириши макруҳ. Шунинг учун бунинг эҳтиётини қилиш керак. Рўза ҳақида бир эмас, бир қанча китоблар ёзилган. Интернет сайт ва тармоқлари шу кунларда бундай маълумотга тўла. Шайх ҳазратлари умрларини шу каби нарсаларга сарф қилдилар. Ҳозирда у кишининг шогирдлари ва бошқалар бу хизматларни давом эттириб туришибди. Сизларга қолган иш – шуларни топиб ўқиш ва амал қилиш. Бироз эътиборлироқ бўлишингларни илтимос қиламиз. Валлоҳу аълам.

Ҳадисларда «Ким узр ёки касалликсиз бир кун Рамазон рўзасини тутмаса, умр бўйи рўза тутса-да, унинг қазосини адо қила олмайди», дейилган.

Бу ҳадисни шарҳ қилувчилар: “Умр бўйи рўза тутса-да, ўша кундаги фазилатдан баҳраманд бўла олмайди”, деганлар.

Рамазон рўзасини билиб туриб, қасддан тутмаса ёки очиб юборса, каффоротига рўза тутиши вожиб бўлади. Каффорот бериш вожиб бўлган одам қул озод қилишга қодир бўлмаса, кетма-кет, орасини узмай олтмиш кун рўза тутиши лозим. Рамазон рўзасини тутиш даврида сабрсизлик қилгани сабабли, сабрли бўлишга тузукроқ одатланиб олиши учун (бу қатъий буюрилган). Рамазонда қасддан рўзасини очиб юборган одам икки ой кетма-кет рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга, ҳар бирига бир мудд (1 муд – 1843 ғиром) миқдорда таом беради. Бу эса ўз навбатида гуноҳкор кишининг гуноҳини ювишга имкон яратиб бериш билан бирга мискинларга яхшилик қилиш йўли ҳамдир.

### Қуръон хатми

Ассалому алайкум! Агар Рамазон ойида бошлаган хатми Қуръонини тугата олмаслиги аниқ бўлса, шу хатмни Рамазон ойи кирмасидан бошлаш мумкинми? Ёки Рамазоннинг илк кунидан бошлаб, 30 кунда тугатишнинг фазилати ва савоби бошқачами?

Одинахон Муҳаммад Юсуф:

– Ва алайкум ассалом! Рамазон ойи бошидан бошлаб хатм қилган афзал, албатта. Аллоҳдан сўраб бошлайверинг. Тугатиб олиш насиб қилсин!

## “MUSLIMAAT.UZ” ДОИМ ФАОЛИЯТДА!

### «Қизларжон» китобининг тақдимоти

18 ноябрь 2018 йил санасида “Ҳилол-нашр” нашриётининг анжуманлар залида Одинахон Муҳаммад Содик қаламига мансуб “Қизларжон” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирга давлатимизнинг бир қанча расмий идораларидан ҳурматли меҳмонлар таклиф қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Муслмонлар идораси, Тошкент Исломи институтининг ва бошқа муассасалар вакиллари, шунингдек, таниқли журналистлар, “Зирапча” телелойҳаси иштирокчиларининг ҳам кўриши мумкин.

Мазкур тақдимот маросимида Одинахон Муҳаммад Содик раҳбарлик қилаётган “muslima.uz” аёл-қизлар сайти бош-қош бўлди.



### “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус Исломи билим юртида мавлиди шариф

20 ноябрь 2018 йил санасида “Хадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус Исломи билим юртида мавлиди шариф бўлиб ўтди.

Тадбирга Ўзбекистон Муслмонлар идорасидан, Тошкент Исломи институтидан, “muslima.uz” аёл-қизлар сайтидан вакиллари, муҳтарама устозлар ва талаба қизларнинг оналари ташриф буюрдилар.

Бу йилги мавлид маросимида талаба қизлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳақида саҳнали ҳикоя қилиб беришди.



### Тошкент Исломи институтининг мавлид кечаси

2018 йил 1 декабрь куни Имом Бухорий номли Тошкент Исломи институтининг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган ойлари муносабати билан талаба қизлар иштирокида “Сизни севмай бўлурми?” мавзусида маънавий-маърифий мавлид тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга бир қанча ҳурматли меҳмонлар ташриф буюрдилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Оила илмий-амалий тадқиқот маркази Оила психологияси бўлими раҳбари Ферузахон Акромова, Ўзбекистон муслмонлари идораси аёллар билан ишлаш бўлими ходимлари Марямхон Абдуллаева ва Мунирахон Абубакирова, Зарифахон Қосимова, Ўзбекистон Халқаро Исломи академияси илмий

ходимаси Нигорахон Ҳакимова, “Хадичаи Кубро” аёл қизлар ўрта махсус Исломи билим юрти вакиллари, Тошкент шаҳри, Олмазор, Миробод ҳамда Яккасарой туманларининг бош отинийлари, “muslima.uz” аёл-қизлар сайти ходимлари ва бошқа меҳмонларни санаб ўтиш мумкин.

Тадбирда талаба қизлар саҳобалар ва сўнги умматнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатларининг монологлар, саҳна кўринишлари ҳамда салавоту нашидлар орқали кўрсатиб беришди.



**“muslimaat.uz” аёл-қизлар сайтида ажойиб мавлид тадбири**

2 декабрь 2018 йил санасида Расулulloҳ солалллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган ойлари муносабати билан “muslimaat.uz” аёл-қизлар сайти ходималари томонидан “Набийга салават айтинг!” номли мавлид тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг завжалари, Имоил Муҳаммад Юсуф ва Одинахон Муҳаммад Содиқнинг оналари Фотимахон ая Исмоил Махдум қизлари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси аёллар билан ишлаш бўлими ходималари Марямхон Абдуллаева ва Мунирахон Абубакирова, Тошкент Ислом институтидан Зилолахон Суярова, «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус Ислом билим юрти катта мударрисаси Пошшахон Эшонхон қизи, шунингдек, “muslimaat.uz” аёл-қизлар сайти ходималарининг яқинлари ва бошқа ҳурматли меҳмонлар ташриф буюришди.



**“Grand-ta’lim”да халқаро араб тили куни муносабати билан ажойиб тадбир**

18 декабрь 2018 йил санасида “Grand-ta’lim” ўқув марказида халқаро араб тили куни муносабати билан ажойиб тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга “Ҳилол-нашр” нашриёти ва “Islom.uz” портали раҳбари Исмоил Муҳаммад Юсуф, “muslimaat.uz” сайти раҳбари Одинахон Муҳаммад Содиқ, марказ ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари, шунингдек, ота-оналар ташриф буюрдилар.

Даврани “Grand-ta’lim” ўқув маркази раҳбари Музаффар Саттиев ўз сўзлари билан очиб берди.

Сўнг ҳурматли меҳмонлар Исмоил Муҳаммад Юсуф ва Одинахон Муҳаммад Содиққа сўз навбати берилди. Улар йиғилганларни халқаро араб тили куни билан табриклашди.

**«Тафсири Хилал» («Тафсири Ҳилол») ва «Счастливая семья» («Бахтиёр оила») китобларининг тақдимоти**

9 февраль 2019 йил санасида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг рус тилида чоп этилган «Тафсири Хилал» («Тафсири Ҳилол») ва «Счастливая семья» («Бахтиёр оила») китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотга Россия Федерациясидан ва юртимиздан ҳурматли меҳмонлар ташриф буюришди. Жумладан, улар орасида фаол аёллардан Павлова Алия (Ольга) Сергеевна, Бариева Марьям (Наталья) Юсуфовна ва Нуменко Марьям (Наталья) Петровналарни кўриш мумкин.



Тақдимотдан сўнг, 9 февраль кунининг иккинчи қисмида Россия Федерацияси ва Украина Республикасидан китоблар тақдимотига ташриф буюрган аёл меҳмонлар билан «muslimaat.uz» жамоасининг юртимиздаги яқинлари ўртасида танишув кечаси бўлиб ўтди.

**Самарқандга хайрли сафар**

2019 йил 17 февраль куни 2010 йил 11 августда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг ташаббуслари билан бошланган улкан иш – "Олтин силсила" ҳадислар мажмуаси хатмонаси муносабати билан "Ҳилол-нашр" нашриёти, "Islom.uz" сайти, "Grant-ta'lim" ўқув маркази, "muslimaat.uz" аёл-қизлар сайти ходим ва ходималари Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуасига хайрли сафар уюштиришди.

Тақдимот тугагач, меҳмонлар Имом Бухорий мақбараларини зиёрат қилишди ва у зотнинг руҳларига Қуръон тиловати, шунингдек, қурбонликлар, умра зиёрати ҳам бағишлашди. Шу билан Имом Бухорий мажмуасига қилинган зиёрат ўз ниҳоясига етди.

**“Тараққиёт” телеканалда туркум интервьюлар**

Яна бир эзгу фаолият сифатида Одинахон Муҳаммад Содиқ Андижон “Тараққиёт” телеканалда мухлислар таклиф ва талаблари билан йўлга қўйилган “Дин насиҳатдир” номли кўрсатувда ижтимоий одоблар борасида туркум суҳбатларини бериб бормоқда.

Мазкур кўрсатув ҳар якшанба эфирга узатилиб, мана бир неча ойдирки, экранлардан тушмай, мухлислар сафини янада кенгайтирмоқда.



**Хулоса**

Албатта, юқорида санаб ўтилган фаолиятлар “muslimaat.uz” сайти амалга ошираётган ишларнинг бир қисми, холос. Сайт ходималари раҳбар Одинахон Муҳаммад Содиқ бошчилигида аёл-қизларимизга ҳам диний, ҳам дунёвий соҳада анча фойдали бўлган ижодий ишларни тақдим қилиб келишмоқда. Жумладан, “Ислоҳот сари” рукни остида мутахассислар билан долзарб мавзулардаги видео-суҳбатлар мухлисларни бефарқ қолдираётгани йўқ. Шунингдек, ҳар соҳадаги мухлислар саволларига мутахассислар ўз жавобларини вақтида йўллашмоқда. Бундан ташқари, аудио-ҳикоялар, мақолалар ўзни ва фарзандни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Яна дунё бўйича хабар ва янгиликлар ҳам ўз вақтида мухлислар эътиборига етказиб турилибди.

Қисқаси, “muslimaat.uz” кенг кўламда доим фаолиятда!

# “Жайбут-таажир”,

яъни “Тожир чўнтаги” (араб таоми)

## Керакли масаллиқлар:

- \*Ун – 3 стакан
- \*Қуруқ сут – 3 ошқошиқ
- \*Қора седана – 1 чойқошиқ
- \*Ҳамиртуруш (дрожж) – 1 ошқошиқ
- \*Ўсимлик ёғи – 2 ошқошиқ
- \*Илиқ сув – ўртача косада
- \*Озгина шакар ва туз

### Тайёрланиши:

Юқоридаги маҳсулотлардан ўртача юмшоқликда хамир қориб, ошириш учун ўраб қўйилади. Ошиб чиққач, хамир иккига бўлиниб, қалинлиги 0,5 см қилиб ёйилади. Иккала ёйилган хамирни устма-уст қўйиб, стакан ёрдамида доирачалар кесиб олинади. Шунда доирачалар атрофи маҳкамланиб қолади. Қизиб турган ёғда ўртача оловда қизартириб пишириб олинади.

Тайёр бўлган “чўнтакчалар”ни бир ёнидан кесиб, хоҳлаган таомингизни солиб, сендвичлар тайёрлашингиз мумкин. Араблар кўпроқ товуқли таом билан дастурхонга тортадилар.

### Товуқли таом учун:

- \*Товуқ тўши – 500 гр
- \*Ўсимлик ёғи – 2 ошқошиқ
- \*Пиёз – 2 бош
- \*Булғор қалампери – 1 та
- \*Майонез – 1 ошқошиқ
- \*Пишлоқли соус – 1 ошқошиқ
- \*Соя соуси – 2 ошқошиқ
- \*Кучсизлантирилган сирка – 1 ошқошиқ
- \*Таъбга кўра туз, занжабил кукуни, паприка кукуни, қалампир, мурч

### Тайёрланиши:

Товуқ гўшти кичик кубикчалар шаклида тўғраб олинади. Пиёз ва булғор қалампери ҳам майдалаб тўғралади. Баланд оловда ёғни қиздириб, товуқ гўшти солинади ва 5 дақиқа қовурилади. Оловни пастлатиб, туз ва зираворларни солиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра соя соуси билан сиркани қўйиб, гўшт пишгунича ора-сирада аралаштириб турилади. Пишишига оз қолганда пиёз ва булғори қалампирни солиб, 5 дақиқа давомида қовуриб олинади. Таомни оловдан олиб, тоби чиққач, майонез ва пишлоқли соус билан яхшилаб аралаштирилади.

“Тожир чўнтакча”ларини, хоҳланг, ўртасидан иккига бўлиб кесинг, хоҳланг, бир ёнидан кесиб, ичига айсберг барглари ва товуқли таомни солиб истеъмол қилинг.